Ушбу сонда:
2 ГАЗНИ ТЕЖАШНИ БИЛАМИЗМИ?
3 *Аср иншоотн* ТЎПАЛАНГ СУВ ОМБОРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 апрел, шанба №68 (1285)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Эрон Ислом Жумҳуриятининг Тошкентдаги элчихонаси Оролбўйи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ажратди. Сув насослари ва дори-дармондан иборат бу ёрдам «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси орқали Оролбўйи аҳолисига етказилади.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда Эроннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусайн Нароқиён сўзга чиқиб, юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, айниқса, Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик тангликни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН:

ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

26 апрел куни Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахтимиздаги «Дўрмон» қароргоҳида Эрон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда аввал президентлар яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамровли муҳокамаси бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан, террорчилик муаммоси, Афғонистонда барқарорликнинг мустаҳкамланиши, иқтисодиётнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар муҳокама этилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг имкониятлари кўплиги, икки давлат ўз салоҳиятини тўлалигича ишга солиб, алоқаларни янги босқичга кўтарса, бундан нафақат Ўзбекистон ва Эрон, балки минтақадаги кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам фойда кўриши қайд этилди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон-Эрон иқтисодий ҳамкорлигининг салмоқли қисми транспорт коммуникацияси соҳасига тегишлидир. Ўзаро алоқалар, айниқса, шу соҳада кенг ривожланмоқда. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу борадаги кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. Ўзбекистон ҳудуди орқали эса ўтган йили Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилган.

Бевосита савдо-иқтисодий муносабатларга келсак, мамлакатимизда элликка яқин Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти тўлалигича Эрон ишбилармонлари сармояси ҳисобига барпо этилган ва асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 11 фоизга ошди.

Музокараларда бундай ютуқлар мамнуният билан таъкидланиб, эндиликда транспорт коммуникацияси билан бир қаторда, банк, молия соҳаларида, чегарадан ўтишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўзаро тўловларни соддалаштириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Мамлакатимиз Жанубий-шарқий Осиё минтақасига асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобаҳор портлари орқали чиқади. Айни пайтда Эронда йўл инфратузилмаларини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлар ниҳоясига етганидан кейин Ўзбекистонни денгизга олиб чиқадиган йўл минг километрга қисқаради.

Шунингдек, ҳозир Афғонистон орқали қатновларни йўлга қўйиш долзарб масалага айланган. Гап Термиздан Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эронга туташадиган йўл ҳақида кетяпти. Албатта, бу йўлдан биринчи галда Афғонистон катта фойда кўради. Минглаб одамлар ишга жалб этилади, катта-катта сармоя маблағлари ўзлаштирилади. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етганидан кейин Афғонистон транзит солиғи олиш билан бирга, катта миқдордаги иш кучини янги йўл инфратузилмасига жалб этиши мумкин.

Музокаралардан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, шу боис ҳам Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат ҳудудида халқаро транспорт коммуникацияси тизимининг янги тармоғи барпо этилишини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Афғонистон орқали ўтадиган йўлларнинг Ўзбекистон ва Эрон учун нечоғли фойдалилигини эса гапиришга ҳожат йўқ.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон ва Эрон президентлари ўртасидаги музокаралар якуни юзасидан қўшма баёнотга имзо чекди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига таллуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов Эрон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама алоқалар, балки минтақавий интеграция ривожида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эрон томони эса ушбу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси деб атади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ҳуқуқий асосининг бойиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Эрон дунёда юзага келаётган янги шароитда янгича муносабатларни қарор топтирмоқда.

Эронлик олий мартабали меҳмон пойтахт марказидаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Муҳаммад Ҳотамий улуғ саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечирар экан, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларни тиклаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Соҳибқирон номи билан аталувчи музейнинг бунёд этилиши ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Эрон Президенти ўз ташрифи доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясида шарқшунос олимлар билан учрашади. Учрашувда «Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши» мавзуида гап боради. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрел куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сейкен Сугиурани қабул қилди.

Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар жадал ривож топмоқда. Биргина савдо-иқтисодий соҳа олинадиган бўлса, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми икки баробар ошгани қайд этилди. Айни пайтда японялик ишбилармонлар кўплаб иқтисодий лойиҳаларимизда фаол иштирок этиб келмоқда. Лекин икки ўртада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам кам эмас.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликни бугунги аҳволи ҳамда истиқболи, ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан биридир. Корхонада бугунги кунда 10 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларга қулай иш шароити яратиб берилаётгани ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш кафолати бўлаётир.

ЎЙЛАР МУБОРАК

«Навоийазот» касаба уюшма қўмитаси ишловчиларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини таъминлашга айниқса алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йилнинг ўзида корхона қошидаги санаторий-профилакторийда 1860 нафар ишловчи дам олиб, саломатлигини тиклади. Уларнинг 865 нафарини хотин-қизлар, 157 нафарини болалар ташкил этди.

Республикамиздаги энг сўлим ва баҳаво соғломлаштириш оромгоҳларида эса 130 кишининг ҳордиқ чиқариши таъминланди. Шунингдек, корхонада ишлаётган 3850 нафар аёл махсус профилактик текширувдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича бепул муолажа олишларига кўмаклашилди. Маъмурият томонидан соғломлаштириш тадбирларини янада яхшилаш мақсадида 5 миллион сўмликдан зиёд дори-дармонлар, 2.325 минг сўмлик тиббиёт ускуналари олинди. Бир қатор оилаларнинг фарзандларини Тошкентдаги «Умид» реабилитация марказида даволанишлари учун 100 минг сўмдан маблағ ажратди.

Корхонанинг болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтган йилги мавсумда 1788 бола дам олдирилди. Шу жумладан, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларидан 30 нафарига, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 10 нафарига бепул йўлланмалар ажратилди. Корхонанинг меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш йўлида сарфлаган умумий маблағи 29.550 минг сўмни ташкил этди.

Ишловчилар ва уларнинг фарзандларини кўнгилли дам олдиришда, айниқса, «Офтобжон» оромгоҳи муҳим рол ўйнамоқда. Ўтган йилнинг августида бу ерда 383 нафар катталар ва болалар корхона ҳисобидан бепул дам олишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳамда маҳаллалардаги кам даромадли оилаларга ҳам оталиқ ёрдами кўрсатиб келаётир. Жумладан, «Меҳрибонлик уйи»га 20072 минг сўмлик гиламлар ҳадя этилди. Шаҳардаги 13-мактабнинг тўла таъмирдан чиқарилишига 1.186 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизларнинг маданий-маънавий савиялари, оила ва ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш мақсадида корхона ётоқхоналарида мунтазам равишда «ЖКХ гўзали», «Балли аёллар» каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, «Кимёгар» ўйингоҳи қошидаги атлетика секциясида 12 нафар ногирон ўсмирнинг бепул машғулот ўтказишлари, мусобақа ва турнирларда фаол иштирок этишларига кўмаклашилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, корхона ётоқхонасида ўтказилган «Асфальтга расм чизиш» кўрик-танлови болалар хотирасида узоқ сақланиб қоладиган бўлди. Унда болаларнинг «Умид», «Орзу», «Шаҳризода» клублари ғолиб деб топилиб, 50 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар.

«Навоийазот» касаба уюшма қўмитасининг хайрли ишларидан яна бири якка-ёлғиз хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 25 кишига алоҳида ётоқ хонаси ажратилгани бўлди. 5 нафар болали аёлга эса квартира калитлари топширилди.

С.ЯРАШОВ.

АҚШ КЎНГИЛЛИЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Тошкентдаги Миллий матбуот марказида АҚШнинг мамлакатимиздаги Тинчлик корпуси кўнгиллиларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу корпус мамлакатимизда 1992 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида беш юздан ортиқ америкалик юртимизда кўнгиллилар сафида фаолият юритди. Улар, асосан, қишлоқ жойларда ўзбек оилалари билан маданий ва тиббий маълумотлар алмашиш билан шуғулланади. Шунингдек, ўқувчилар учун тиббиётга доир кўргазмалар, атроф муҳитни муҳофаза этишга қаратилган тадбирлар ташкил этади.

Қасамёд қабул қилган олти нафар кўнгилли Самарқанд ва Тошкент вилоятларида таълим, соғлиқни сақлаш, СПИДга қарши кураш бўйича дастурларни амалга оширишда қатнашади.

Тадбирда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст иштирок этди.

(ЎзА).

Фарғона вилоятида қизғин давом этаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари доирасида мусобақалардан ташқари турли маданий тадбирлар ҳам уюштирилмоқда. Жумладан, ҳуқуқ лицейида фарғоналик ёшлар ва спортчилар ўртасида «Келинг, танишайлик» давра суҳбати ўтказилди.

«КЕЛИНГ, ТАНИШАЙЛИК»

- Бундай учрашувни ташкил қилишдан мақсад - спортчи ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларини таъминлаш,- дейди Фарғона шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Болалар ташкилоти» раиси Лочинбек Мамарасулов. - Суҳбат жараёнида ёшлар ташкилий ишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди, таклифларини билдирди. Бу бизга навбатдаги маданий тадбирларни белгилашда қўл келади.

Бундай қизиқарли тадбирлар Фарғона академик лицейи ҳамда Фарғона саноат коллежида ҳам бўлиб ўтди.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

Навоий шаҳридаги «Ўзбекистон» кинотеатри майдонида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уни шаҳар ҳокимлиги ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар бўлими ҳамкорликда ташкил этди.

Ярмаркада Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизилқумцемент», «Электрокимёзаводи» ҳиссадорлик жамиятлари, «Навоийавтойўл» бошқармаси каби 50 дан ортиқ корхона, ташкилот ва идоралар 320 дан зиёд иш ўрни билан иштирок этди. Шу куни шаҳар аҳолисининг 200 нафари ишли бўлди. 10 нафар йигит ва қиз касб-ҳунар курсларида ўқишга йўлланма олди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

БУГУН СТРАСБУРГДА

Страсбург шаҳрида Оврўпо Иттифоқининг парламент ассамблеяси ўз ишини давом эттирмоқда. Йиғинда халқаро хавфсизликни таъминлаш, унда Оврўпонинг тутадиган ўрни, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар билан бир қаторда халқаро террорчиликка қарши бирлашиб кураш олиб бориш, уюшган жиноятчилик ҳамда наркобизнес сингари инсоният тақдирига хавф солаётган масалалар муҳокама қилинмоқда.

ТЎСИҚЛАРГА ҚАРАМАЙ

Оврўпо Иттифоқининг ташқи сиёсат бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солана бошчилигидаги мазкур ташкилот делегацияси Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан музокара ўтказди. Унда Яқин Шарқдаги кескинликни бартараф этиш ҳамда Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги мўлжалланаётган музокараларни тезлаштириш каби муаммолар устида сўз юритилди.

Шу орада БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан белгиланган Фаластиндаги Женин шаҳри фожеасини ўрганувчи гуруҳнинг мазкур минтақага бориши аниқ бўлди. Бош котибнинг айтишича, делегация бугун шанба куни ҳар қандай тўсиқларга қарамай мўлжалланган ерга етиб боради. Унга Финляндиянинг собиқ президенти Марти Ахтисаари бошчилик қилади. Делегация мақсади Женинда бир неча кун муқаддам рўй берган машъум ҳодисаларни ўрганиш ва Бош котибга ахборотнома тайёрлашдир.

ХАТТАБ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси Президенти вакилининг билдиришича, Чеченистонда жангариларга раҳбарлик қилаётган халқаро террорчи, асли араб миллатига мансуб Хаттаб федерал кучлар томонидан йўқ қилинган. Россия хавфсизлик федерал хизматининг маҳкамасида ушбу воқеани тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги хабар қилинди. Хаттаб Чеченистон ҳудудида тозалаш тадбирлари пайтида отиб ўлдирилган.

ЛЕСОТОДА ОЧАРЧИЛИК

Лесото бош вазири Пакалихта Мосисиди мамлакатда фавқулодда вазият эълон қилди. Кейинги вақтда Жанубий Африкадаги бу мамлакат одамлари очарчилик туфайли қирилиб кетмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат билан етарлича таъминланмаётганлиги муаммони янада чуқурлаштирмоқда. Бош вазирнинг таъкидлашича, яқин ойларда вазият янада мушкуллашади. Чунки, бу йилги ғалла ҳосили кутилганидек бўлмаган.

МАҲБУСЛАР ТОПШИРИЛДИ

Афғонистон муваққат ҳукумати покистонлик 30 нафар маҳбусни расмий Исломобод ихтиёрига топширди. Жиноятчилар ўтган йили Афғонистон шимолида кечган жанглардан бирида қўлга олинган эдилар. Улар «толиб»лар томонида туриб урушганлик айби билан қамалган эди. Маҳбуслар махсус тайёрада ватанига жўнатилди. Энди улар ўз мамлакати суди олдида жавоб берадилар.

Шу орада Покистон полицияси «Жамоати — исломи» экстремистик гуруҳнинг раҳнамоси Қози Ҳусайн Аҳмадни ҳибсга олди. У амалдаги президент Парвез Мушаррафни маҳв этишга қаратилган режани тузишликда айбланмоқда. Унинг бошқа қилмишлари ҳам секин-аста сув бетига қалқиб чиқмоқда.

ГРУЗИЯДА ЗИЛЗИЛА

Куни-кеча Грузияда ер қимирлаши рўй берди. Унинг кучи Рихтер жадвалида олти баллга етди. Зилзила маркази Тбилисидан унча узоқ эмас экан. Вайронагарчиликлар бор, кўплаб кишилар бошпанасиз қолдилар.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ТРЕНИНГ

АЁЛЛАРНИ ФИКРЛАШГА УНДАМОҚДА

Юртимизда аёл,она манфаатини ифодаловчи оламшумул ишлар қилинмоқда. Аёлнинг кўнглига қулоқ тутиш, жамиятдаги кўплаб муаммоларни тугатиш калитидир. Ана шундай эзгу ишни амалга ошириш учун Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши WILL лойиҳаси асосида тренинглар ўтказиб, муайян ютуқларга эришмоқда.

Аввало тренинглардан кўзда тутилаётган мақсад ҳақида тўхталамиз. Асосий мақсад аёлларнинг ўзларини ўзларига англатиш орқали шахсий ҳаётларидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишдир. Тўғрида, шўх-шодон аёлга ҳавас қиламиз. Аммо унинг ички кечинмалари, муаммолари билан қизиқмаймиз. Улар ҳам бунга қўникишган. Ички туйғулар билан курашиб яшайверадилар.

Истиқлол туфайли жаҳонда аёллар муаммоларини ҳал этиш борасида тўпланган қатор тажрибаларни ўрганишимиз, уларни амалиётда татбиқ этиш имкониятига эга бўлинди. Мирзачўллик аёллар мана иккинчи йилдирки, бундай тажрибаларни миллий қадриятлар шарқона одобахлоқимизга мослаб ўрганишаётир. Бу услуб уларнинг аксариятига маъқул бўлди. Илк тренингларга шунчаки келган бўлсалар, кейинчалик бундай тадбирларни ўтказишни ўзлари таклиф қиладиган бўлишди. Касаба уюшмаларига бу ҳақда кўплаб қўнғироқлар бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган икки ойида Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлим мудири Муҳаббат Қурбонова энг олис қишлоқларда бир неча тренинглар ўтказди.

— Гапнинг очиғи тренингга таклиф қилганларида бирон мавзудаги маърузалар тинглашга чоғланган-дик, — дейди Шароф Рашидов туманида яшовчи уй бекаси Феруза Алимова. — Аммо тасаввуримиз бизни алдади. Биз ўзимиз савол, ўзимиз муаммо қўйиб, унинг ечимини ҳам ўзимиз топдик. Умуман ишламаганлигим учун атрофдаги воқеалар билан ишим бўлмай қолган экан. Бу учрашув дунёқарашимни тубдан ўзгартириб юборди. Ўз қобиғимга ўралиб қолганимни илк бор ҳис этдим. Бизнинг зиммамизда кўп юк бор экан. Аёл ожиза, у уйда ўтиришга маҳкум деган қарашларим пуч экан. Мени ва фарзандларимни моддий таъминотини тўкис қиламан дея тиним билмай елиб-югурган турмуш ўртоғимнинг ташвишларини чуқурроқ англагандек бўлдим. Бундай мулоқотлар тез-тез бўлишини истардим.

Ховослик аёллар эса мавзуни ўзлари танлашди. Улар аёлнинг бир кунда бажарадиган юмушлари тушириллган фотосуратларни таҳлил қилдилар. Қишлоқ аёллари талқинида беканинг ҳаёти назардан ўтказилди. Тонг ёришгандан чошгоҳгача бўлган юмушлар — сигир соғиш, қўй-қўзиларни далага ҳайдаш, ошовқат пишириш, куви пишиб ёғни саранжомлаш, қўрани тозалаш, ҳовли орасталиги билан шуғулланган аёл роппа-роса кундузги ўн бирда уй юмушларидан халос бўлади-ю яна навбатдаги ишларга киришади. Тушликдан сўнг хамир қориш, рўзғорнинг бошқа майда-чуйдалари... Хуллас, қош қорайганда хорибчарчаб дам олишга тутунади. Ёшлик, куч-қувватга тўлган чоғда ўзига қараб, пардоз-андозга ҳафсала қилган бўлса бора-бора бу ҳафсала ҳам сусайиб сўлиб бораверади. Бу аёллар таҳлил этган бир кун. Ишлайдиган аёлларга эса бундан ҳам қийинроқ. Улар барча юмушларни югуриб-елиб бажаришга мажбурлар. Эркак бари-бир эркакда. Аёлига минг қайишмасин у бажараётган вазифанинг маълум қисминигина уддалайди холос. Тренингда иштирок этган 17 нафар аёл ўзбек хотин-қизларининг бу вазифаларини енгиллатиш имконини излади. Ниҳоят ижобий хулоса ҳам чиқди: ҳар бир кун ва юмушни режалаштириш, оиланинг бошқа аъзоларига салоҳиятига қараб рўзғор юмушларини тақсимлаб бериш орқали ўзига имкон топиш мумкин экан. Қўл-қанот фарзандларни ҳам бундан четда қолдирмаслик лозим. Чунки, улар ҳам рўзғор юмушларига ўрганадилар. Мустақил ҳаётга тайёрланиши ана шундан бошланади.

Тренингда турмушдаги аччиқ-чучукларни қандай четлаб ўтиш мумкин, деган савол ҳам ўртага ташланди. Дунёдаги энг буюк ва қудратли зот аёлни ҳам бу ташвишлар четлаб ўтмаган. Аммо аёл истаса ҳеч бир қийинчиликларсиз, муаммоларни четлаб ўтиши мумкин экан. Бунинг учун ундан озгина оқилалик, доноолик талаб этилади, холос.

Тренингнинг якуний хулосаси шундай бўлди. Ҳаёт бир денгиз, оила эса ундаги кема. Уни бошқаришда аёл ўрнини ҳеч ким боса олмас экан. Аёлда лоқайдлик пайдо бўлдими, кема бошқарувида нуқсонлар болалайди. Кўзланган манзилга етишда муаммолар, тўсиғу қийинчиликлар юзага келади. Бу тренингда иштирок этган қишлоқ аёллари хулосалари.

Таъкидлаш лозимки, тренингга келган аёллар баҳс мунозараларни, фикрлашишни сира тўхтатгилари келмади. Чунки, бундай машғулотлар улар руҳиятига кучли таъсир қилиб, чуқурроқ фикрлашга ундар эди.

Касаба уюшмалари бундай тренингларни кўпайтириш, қишлоқ аёлларининг фикрлаш доираларини кенгайтириш, жамиятнинг энг фаол аъзолари даражасига кўтариш борасида изланмоқдалар.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.



Пойтахтимиз жамоли кундан-кунга чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Бир-биридн гўзал кошоналар, маъмурий ва турар-жой бинолари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Бу ишда айниқса, «МКД-2 трест» қурилиш жамланмаси бунёдкорларининг хизматлари катта бўлмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан шарқона, айни пайтда замонавий услубда осмонўпар бинолар қад кўтармоқда.

Суратларда: илғор пайвандчи Мирзакарим Мирсолимов ва сувоқчи-бўёқчи Умид Усмонов.

Ғ.ХИДИРОВ
олган суратлар.

Қарор ва ижро

ГАЗНИ ТЕЖАШНИ БИЛАМИЗМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа фурсатдаёқ Бухоро вилоятида ҳам бу борадаги ишни тубдан яхшилашга қаратилган дастурлар қабул қилиниб, уни тўла-тўкис рўёбга чиқариш юзасидан амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Эндиликда ҳар бир туман, қишлоқ, маҳаллада белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ромитан туманида ҳам анчагина ибратли ишлар амалга оширилди.

«Ромитангазтаъминот» корхонаси томонидан ўтган 3 йилда ҳаммаси бўлиб аҳоли хонадонларига 300 га яқин газни ҳисобга олиш жиҳозлари ўрнатилган бўлса, ҳукумат қароридан сўнг ҳар чоракда яна шунча приборлар ўрнатишга эришилади. Шу тариқа табиий бойлигимиз саналган бу қимматбаҳо ёқилғини янада тежаш имкониятлари яратилади.

— Туманимизда газлаштириш ишлари вилоятда биринчилар қаторида ниҳоясига етказилган бўлиб, қисқа фурсатда қарийб 782 километр узунликдаги газ қувурлари тортилди. Шундан 79,8 километрини юқори, 204 километрини ўрта, 498,3 километрини паст босимли қувурлар ташкил этади. Газ тақсимлаш шохобчаларининг сони 390 донага етди. Ҳаммаси бўлиб 19 мингга яқин истеъмолчиларга хизмат кўрсатамиз, - дейди «Ромитангазтаъминот» корхонасининг бошлиғи Азим Қўшшаев. — Газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатила бошлангач, аҳвол тубдан ўзгара бошлади. Яъни, табиий газдан самарали фойдаланиш эвазига икки томонлама манфаатдорлик юзага келди. Бир томони миллионлаб кубометр газни тежаш имконияти яратилса, иккинчидан аҳолининг қанчадан-қанча маблағи ўз ҳамёнига қоладиган бўлди.

Мисол учун ҳисоб-китоб қилинганда фуқаро И.Жўраев хонадони бир йилда газдан фойдаланганлиги учун ўртача 23088 сўм маблағ тўлашлари керак экан. Аммо, газни ҳисобга олиш прибори ўрнатилгач, бу миқдор кўпи билан 18706 сўмдан ошмади. Орадаги фарқ 4382 сўмни ташкил этди. Демак, биргина хонадон ҳисобидан ўртача 1622 кубометр газ тежаб қолинади.

Мирзо Носиров, Салоҳиддин Рамазонов, Ҳаёт Насуллаев сингари фуқаролар ҳам ўз хонадонларида газни ҳисобга олиш жиҳози ўрнатилганлигидан беҳад мамнун бўлишди. Негаки, ҳисоб-китобларга қараганда, биргина 2001 йилда бу оилаларда олдинги йилга нисбатан тўловлар салмоғи 5,5-7 минг сўмга камайибди. Шу таминланган хонадонларга газни ҳисобга олиш приборларини қисқа фурсатли кредитлар ҳисобига етказиб беришдан иборатдир. Шу тариқа 2002 йилда 7772 та хонадон ҳамда уй-жойлар газ истеъмолини ҳисобга олиш жиҳозлари билан таъминланади.

— Йил бошидаёқ аҳолининг коммунал-маиший эҳтиёжлари учун сарфланадиган табиий газнинг ойлик сарфи устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлиги айни муддао бўлди, - деб қўшимча қилди А.Қўшшаев. — Натижада январ-феврал ойларида 2001 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 10 фоиз кам газ сарфлашга эришдик. Ўйлаймизки, газни ҳисобга олиш жиҳозларини ёппасига ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва оқилона фойдаланиш катта наф келтиради.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Узун туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмитасида муаллимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини тиклаш, уларнинг оиласи, фарзандлари учун ғамхўрлик қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор берилади. Касаба уюшмаси фаоллари билан муаммолар атрофлича муҳокама қилинади.

Суратда: тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси фаоллари ўзаро мулоқотда.

И.ҲАСАНОВ
олган сурат.

Қонун барча учун баробар

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ўз вақтида берилмаса...

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 29 январида рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги 402-сонли йўриқномада уларни юритиш қоидалари белгилаб берилган эди.

Меҳнат дафтарчаси ҳар бир ходимнинг иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари бўлиши шарт ва у беш кундан ортиқ ишлаган жисмоний шахсларга берилади.

Қайси ташкилотда амалдаги қонунларга риоя қилинса, иш унуми ва ижро интизоми юқори бўлади. Боғишамол тумани прокуратураси корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигининг аҳволи ўрганилганда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Тумандаги «Агротаъмирқурилиш» бошқармаси бошлиғи С.Ибрагимов ва кадрлар бўйича назоратчи Л.Азмиеваларнинг лоқайдлиги туфайли ташкилотдан бўшаб кетган М.Ҳамдамовага ўз вақтида меҳнат дафтарчаси берилмаган. Бошқа жойга ишга киролмасдан сарсон бўлган фуқаро ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Тойлоқ туман фуқаролик судининг қароридан сўнг меҳнат дафтарчасини тиклаш ва ташкилот ҳисобидан 162520 сўм ундиришга муваффақ бўлинди.

Ўз меҳнат вазифаларини тўлиқ бажармаган ва бунинг оқибатида меҳнат дафтарчаларини тўлғазмаган ҳамда вақтида бермаган ходимларга Меҳнат кодексининг 181- ва 182-моддаларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилади. Бироқ 703-қурилиш таъмирлаш ташкилотининг кадрлар бўлими бошлиғи Н.Ульянованинг эътиборсизлиги оқибатида ўтган икки йил мобайнида вазифасидан озод қилинган 14 нафар ходимга меҳнат дафтарчалари топширилмаган.

Бундан ташқари, тумандаги 10-механизациялашган кўчма жамланма, 1-қурилиш ташкилоти, «Жайҳун» масъулияти чекланган жамияти, «Баққоллик - универсам» корхонаси раҳбарлари ва кадрлар хизмати ходимларининг эътиборсизликлари оқибатида ишдан бўшаган кишилар меҳнат дафтарчасини ололмасдан сарсон бўлишган. Лоқайдлик қимматга тушди. Қонун талабларини бузган масъул шахслар интизомий жазога тортилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо вилоят электр тармоқлари корхонаси ходими Ҳ.Олимов иш жойида жароҳатланиб, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолишига қарамасдан товон пулини вақтида ололмаган. Суд аралашуви билан даъвогарга ташкилот ҳисобидан 157562 сўм ундириб берилди.

Қонун барча учун баробар. Ҳолбуки, ҳар бир иш берувчи фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини таъминлашга масъулдир.

ЁЛҚИН.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси молия қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот, солиқ ва банк-молия идоралари ходимлари, олимлар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари молия қонунчилигини янада такомиллаштириш, хусусан, иқтисодиётдаги ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида амалдаги қонунчиликка қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, фуқаро ва юридик шахслар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, тадбирда бу йўналишдаги хорижий тажрибани ўрганиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА).

ИШ БЕРУВЧИ

Бозор шароити касаба уюшмалари олдига шундай ўткир ва долзарб муаммоларни ҳам кўймоқдаки, уларнинг ижросини таъминлаш фаровон ҳаётга йўл очишнинг муҳим шартидир. Янги иш ўринлари яратиш ҳар бир макон ва замонда кишилик жамиятининг энг асосий вазифаларидан саналган. Ўтган йили вилоятда меҳнат бўлимларига 23375 киши иш сўраб мурожаат этди. Уларнинг 14433 нафари муқим иш ўринларига жойлаштирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, вилоят касаба уюшмалари ва унинг қўмиталари ҳокимликлар билан ҳамкорликда жойларда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида 18953 та янги иш жойлари барпо этилди. Бевосита қишлоқ жойларида 11811 киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилгани, уларнинг 5686 нафари хотин-қизлар экани айниқса қувонарлидир.

Янги иш жойлари ташкил этишда барча маблағлар ҳисобидан молиялаштиришнинг умумий миқдори 6694,9 миллион сўмни ташкил этди. Аҳолини иш билан таъминлашда вилоятда ўтказилган 20 дан ортиқ меҳнат ярмаркалари муҳим рол ўйнади. Уларда жуда кўплаб ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, 81 нафар ногирон иш билан таъминланган битимда кўзда тутилган шартлар муваффақиятли бажарилаётгани белгисидир. Шунингдек, жазони ўташ муассасаларидан озод этилган 1033 кишидан 1000 га яқини иш билан таъминланганлиги характерлидир.

Бугунги кунда вилоятда 5943 та юридик, 6316 жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқдалар. Булардан 6617 тасини микрофирмалар, 517 тасини кичик, 245 тасини ўрта корхоналар, 2616 тасини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилади. Саноатда 199 та, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда 135 та, алоқа, транспортда 99 та, қурилишда 156 та, савдо ва умумий овқатланишда 862, соғлиқни сақлашда 82, воситачилик фаолиятида 265 та тадбиркорлик субъектлари мавжуд.

Вилоят тижорат банклари томонидан ўтган йили вилоятга чет эл инвестициясини жалб этиш мақсадида битта лойиҳага 248 минг Евро ҳамда олти лойиҳага 10387 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Бугунги кунга келиб вилоятдаги қўшма корхоналар сони 26 тага етди. Вилоятда 312 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, вилоят шаҳар, туман маҳалла жамғармалари билан биргаликда маҳаллалар фаоллигини ошириш, энг яхши удум ва анъаналарни оммалаштириш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини муҳофаза қилишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда соғлиқни сақлаш, ички ишлар, суд, прокуратура, адлия, диний идоралар ходимлари иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатларида касаба уюшмаларининг ташкилотчилик роли яққол сезилаётир.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишловчиларнинг ойлик маошларини оширишда вилоятда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йили Зарафшон шаҳрида 95238, Учқудукда 70644, Навоий шаҳрида 62700, Томди туманида 19397, Конимехда 19113, Нуротада 19163, Хатирчида 15001, Қизилтепада 12558 сўмни ташкил этади.

Ўтган йили 50 корхона банкрот деб топилиб, 52 корхона тугатилгани ўтиш даври туғдираётган энг ўткир муаммолардандир. Шу боисдан ҳам қабул қилинган ҳудудий келишув ва жамоа шартномаларида шу сингари корхоналарда ишловчиларни тўла ҳимоялаш акс эттирилди. Шунга асосан 1067 корхонадан 2130 нафар хотин-қизлар муддатидан илгари пенсияга чиқарилдилар, 1133 корхонада ишловчи аёллар қўшимча пуллик таътилга эга бўлди. Худди шунингдек, 1093 корхонада 3286 аёл туғиш даврида қўшимча таътилга чиқарилган бўлса, 1026 корхонадан 10105 хотин-қизларнинг иш вақти эса 1 соатга қисқартирилди. 837 та кўп болали, кам таъминланган оиладан 8819 нафар бола бепул овқатлантирилди, 1082 корхонадан 4875 аёлга корхона ҳисобидан моддий ёрдам берилди. Бу борада айниқса, Конимех туманида ибратли ишлар қилинди. Ҳозир туманнинг ҳар бир хўжалигида мактабларда ўқиётган кам таъминланган оила фарзандларига ҳафтасига 3 маҳалдан иссиқ овқат ташкил этилмоқда.

Қарияларни қадрлаш — азалий шарқона удум. Вилоятда турли байрамлар, саналар муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларига, кам таъминланган оила аъзоларига дастурхон ёзиш аллақачон анъана тусига кирган.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг дам олишларини ҳам намунали ташкил этаётир. Ўтган йилнинг ўзида

Аср иншоотлари

ТЎПАЛАНГ СУВ ОМБОРИ

ҳам ернинг чанқоғини қондиради, ҳам хонадонларни чароғон этади

Таассуротлар ҳаддан зиёда бўлса, тафаккур деб аталмиш солиҳ йўл бошловчингиз ҳам бир зумга қай манзилда қўним топишини билмай қолар экан. Тўпаланг сув омборида бўлганимизда шу ҳолни бошдан кечирдик. Боботоғ Ҳисор ўз келбати қаршисида чумолидан-да митти, аммо чумолидан-да меҳнаткаш одамлар амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишларидан мамнуният изҳор этгандек кўклам офтобида янада равшан тортиб кутиб олди.

— Нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам энг йирик иншоотлар сирасига кирувчи Тўпаланг сув омбори қурилишига биринчи ғишт қўйилганига йигирма йил бўлди, - дейди бошқарма бошлиғи Абдуғани Сангинов мозийдан сўз очиб. — Ўша унутилмас лаҳзаларни бошдан кечирган одамларнинг фарзандлари бугун оталарининг қўлидан ишини олиб, аввалгидан ҳам ҳаяжонли онларни тезлаштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бошлиқнинг ифтихорга тўлиб, шукуҳли кунлар силсиласига эътиборимизни қаратгани бежиз эмас эди. «Ўздавсувлойиҳа» институтининг етти ўлчаб бир кесиш ҳадисини олган етук мутахассислари томонидан тақдим этилган лойиҳа амалда кўзда тутилгани каби тўла қувват билан ишлай бошласа, тўғон баландлиги 187 метрни, сув омбори сиғими 500 миллион куб метрни ташкил этади. Бу эса салкам 26 минг гектар ер ўзлаштирилиши, мавжуд 102 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланиши учун пухта замин яратади.

Тасаввур қилинг, бир гектар ердан неча центнер пахта ёхуд ғалла олиш мумкин. Шунча гектар майдонга мевали дарахтлар экиб, боғ-роққа айлантирилса-чи? Қанча одамнинг эгни бут бўлади, минглаб кишиларга ризқ-рўз улашилади. Боз устига қанчадан-қанча иш ўринлари барпо этилади...

— Очиғи, омад юз ўгирган пайтлар ҳам бўлган, - дейди монтажчи Муҳаммади Тошбоев. — Уч-тўрт ойлаб қўлимиз пул кўрмаган. Ўшанда ҳам ҳеч ким кетишни ўйламади. Ўрганиб қолганимиз учунгина эмас, эртанги кунга ишонганимиздан шундай қилганмиз. Бажараётган юмушимиз ниҳоятда савоб бўлгани учун, ҳадемай барча машақатларимиз роҳатга айланишини англаганимиздан шундай қилганмиз. Мана ҳозир, кўз тегмасин, олтмиш минг сўм чегара бўлмай қолди. Бошқалар ҳам бундан кам топишаётгани йўқ.



Беихтиёр «бошқалар» билан қизиқамиз. Пайвандчилар Муродали Турдиев ва Шерали Мелибоев ой сайин 65 минг сўмга етказиб маош олаётганини, машинист-экскаваторчи Сайдали Ражабов ва Рамазон Меликуловларнинг иш ҳақи 75 минг сўмни ташкил этаётганини, БелАЗ ҳайдовчилари Муродали Ибрагимов ва Акбар Ражабов эса ҳатто 80 минг сўмлик маррани ошиб ўтишаётганини эшитдик.

Агар иш ҳақи фонди ўтган йили қарийб 266 миллион сўм эканини назарда тутсак, «Тўпалангсувгэсқурилиш»да меҳнат қилаётган 1100 дан зиёд кишининг ўртача йиллик даромади қанча бўлишини ҳисоблаш қийин эмас.

Албатта, шунча маблағни топиб беришнинг ўзи бўлмайди. Лекин Тўпаланг сув омбори қурилишида амалга оширилаётган иш кўлами билан яқиндан танишган киши юқорида зикр этилган рақамлар бундан буён ҳам узлуксиз равишда салмоқ касб этиб боражагига шубҳа қилмайди. Ўзингиз чамалаб кўринг: қурилишга ташқаридан жалб этилган ишчи кучларини истисно тутганда ҳам бажарилган иш ҳажми сўм ҳисобида 2000 йилга нисбатан 165 фоизга ортган. Фойда ҳам шунга яраша — 134 фоизга етди. Самарадорлик эса 146 фоиздан ошиб кетди. Энг муҳими, ишчилар сони камайишига йўл қўйилмади, аксинча, улар яна тўрт фоизга кўпайди.

Бозор иқтисодиётининг қонуниятлари қатъий: ҳамма нарса ҳисоб-китобни ёқтиради. Жалб этилган ҳар бир сўмнинг қайтиш коэффициенти бир асно бўлсин, эътибордан четда қолмайди. Кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганлар буни яхши билишади. Қолаверса, бу соҳа учун бунёдкорлар пешонасидан оққан тер неча дарёга жо бўлганига фақат шу дарёгина гувоҳ!

— Ҳозиргача тўғон 110 метр баландликка қадар кўтарилди, - деб тасаввурларимизни аниқ рақамлар билан бойитишга ҳаракат қилади ҳамроҳимиз. — Кўриб турганингиз омборда эса 100 миллион метр кубдан зиёд сув йиғилган. Вақти-вақти билан эҳтиёжга қараб омбордан сув қўйиб юбориш йўлга қўйилган. Бошқача айтганда, у ҳозирданоқ одамларга хизмат қила бошлади. Бу билан сарф-харажатларнинг аста-секин қопланишига ҳам йўл очилди.

Қурилиш бошланганидан буён тўғонда 7 миллион 400 минг куб метрдан зиёд тупроқ ва тош ишлари бажарилган бўлиб, бу умумий иш ҳажмининг тахминан учдан икки қисмини ташкил қилади. Яна ҳам аниқлик киритадиган бўлсак, тўғон лойиҳадаги даражага етиши учун қўшимча 4 миллион 600 минг куб метр тоғ жинслари ётқизилиши лозим. Бу юмушларни амалга оширишда 2002 йил салмоқли ўрин тутади. Мутахассислар тили билан айтганда, 1 миллиард сўмлик капитал-қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилган. Яъни, ўтган йилдагига нисбатан 50-60 фоиз кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Суръатнинг бу қадар кескин ошиб бораётганини табиий ҳол деб тушунмоқ керак. Вақт шошмоқда. Қолаверса, омбор қурилиши жараёнида туғилган янги — айнан шу ерда ГЭС бунёд этиш фикри лойиҳадан амалиётга кўчганидан буён ҳам етти йил муддат ўтди. Ишлаб чиқариш қуввати 175 МВТ бўлган бу нодир иншоот фойдаланишга топширилса, ён-атрофдаги қўрғону қишлоқлар узлуксиз ёруғлик манбаидан ортади. Айни кезда жалб этилган олтита ёрдамчи пудратчи ташкилот ишчи-мутахассислари туну кун меҳнат қилмоқдалар.

Албатта, камчилик-нуқсонлар ҳам бор. Кимдир бирор сабаб билан норозиланиб қолиши мумкин.

— Шундай пайтларда бугун оталарининг қўлидан ишини олиб, аввалгидан ҳам ҳаяжонли онларни тезлаштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Олисдан разм солсангиз, асов дарёга тўсиқ қўйган тўғон узра ўрмалаб бораётган юк машиналари болалар ўйинчоғини эслатади. Аммо яқинроқ борганингиз сайин пурвиқор тоғларни туташтириб, тобора юксалаётган тўғон маҳобати-ю, бу ерда қўлланаётган экскаватор-скрейперлар ҳайбатидан беихтиёр юрагингиз жунбушга келади.

Юқори кўтарилганингиз сари сунъий кўл тусини олган сув омбори томондан эсаётган шамолнинг хуружи кучайиб бораверади. Мана ниҳоят тўғон тепасидамиз. Ажойиб манзара! Гўё эртаклар дунёсига тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Тобора ингичка тортиб, сўнг тоққа сингиб кетгандек туюладиган дарё ўзани кўз ўнгингизда худди суратга тушиш учун атайлаб мижжа қоқмай турган каби сокин боқади. Унинг бу ҳолга келиши анча кўп. Буни смета қийматининг ўта тезлик билан ўзлаштирилаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Агар 2001 йилда ГЭС қурилишида 1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, бу рақам жорий йилда тўрт бароварга етиши ва мунтазам равишда амалга оширилгани, назорат эса яхши йўлга қўйилганлиги туфайлидир. Яна рақамларга мурожаат этамиз: ҳимоя воситалари учун сарфланган маблағ 695 минг доллар.

Ҳозирда бетон ишлари бўйича участка бошлиғи Облақул Акбаровнинг гуворлик беришича, унинг «команда»си барча юмушларни муддатида бажаради. Бу ёғи кейинги жараёнларнинг қандай кечишига боғлиқ.

Галдаги ишлар эса амалга оширилганидан маоши озаяди, суйиб танаввул қилмаган кишининг билагидан қуввати қочади...

Раиснинг айтганича бугун бунёдкорлар пешонасидан оққан тер неча дарёга жо бўлганига фақат шу дарёгина гувоҳ!



Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

Раиснинг айтганича ҳолда махсус тиббий кўрикдан ўтказилган.

Бунёдкорлар даврасида бўлиб ўтган гурунг чоғида бир нарсага ишонч ҳосил қилдик: гоҳ одамлар чанқоғини қондириб олқиш олган, гоҳ эса ўз асовлиги билан ёмон отлиқ бўлиб қолган Тўпаланг дарёсини жиловлаш, унинг куч-қудратини фақат эзгу мақсадлар йўлида сарфлашни ният қилган бунёдкорлар ўзларига юклатилган барча юмушларни муддатида ва сифатли адо этадилар. Энг муҳими, бунга уларнинг ўзлари қаттиқ ишонадилар.

— Тўпаланг сув омбори биз учун иккинчи уй бўлиб қолди, - дейди ким билан суҳбатлашманг. — Ҳеч эътибор қилдингларми, нега ошхонамиз таъмирдан чиқарилаётганига? Тоғ йўли четига тош девор урилаётганига-чи?.. Болаларимиз ўқиётган мактабнинг кўркамлигини айтмайсизми?.. Буларнинг бари биз ўз уйимизда эканлигимиздандир. Сабаби, эртага тағин ҳам яхшироқ яшамоқчимиз.

Шу ерда бизга бир ривоятни ҳикоя қилишди. Эмишки, Тўпаланг дарёси бир замонлар... йигит бўлган экан. Йигит бўлганда ҳам ғоят шўх, чўрткесар, ўйинқароқ, кексалар айтмоқчи, насиҳат у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетадиган даражада сўз уқмас экан. Қўни-қўшнилар-нинг арз-додидан тўйиб кетган онаизор бир куни беихтиёр ўғлидан оғринди: мунча такасалтанг бўлмасанг, жилла қурса одамлар қўлига сув қуйиб турсанг ҳам савоби менга тегиб турарди.

Эрта билан онаизор қараса, ўғли ётган ўринда йўқ, ҳовли этагидан эса бир жилға оқиб бораётир. Кун сайин жилға кенгайиб охири дарёга айланибди. Гоҳ-гоҳ қирғоғидан тошиб, одамларга, чорва-ю экинзорларга талофат етказгани учун уни Тўпаланг деб атай бошлашибди.

Неча замонлар ўтиб, дарё жиловланиб, элюрт хизматига камарбаста бўлиш арафасида турибди. Хайрли ишнинг поёнида сўз уқмас йигит асл ҳолига келиб, онаси ёнига қайтадими, йўқми, буни ҳам сув омбори битиб, ГЭС қўрғону қишлоқларни нурафшон эта бошлагач билиб олсак, ажабмас...

Зайниддин РИХСИЕВ,
Сурхондарё вилояти.

Сизга қандай ҳақ тўлашяпти?

ЖАВОБГАРЛИГИ

2997 киши ҳамда 7342 бола соғломлаштирилди. «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларидан 30 нафари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлардан 29 нафари, кўп болали оила аъзоларидан 47 нафари, ЧАЭС қатнашчиларидан 4 нафари бепул ва имтиёзли даволандилар. Ушбу мақсадлар учун 197 миллион 575 минг сўм маблағ сарфланди.

Шу билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Булар асосан иш ҳақидан қарздорлик, ишчиларга хавфсиз иш шароитлари яратиш, зарарли меҳнат шароитида ишловчиларни вақтида сут-қатиқ билан таъминлашдир. Минг афсуслар бўлсинки, кимларнингдир лоқайдлиги, техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида 7 оила боқувчисини йўқотди.

Биргина ёнилғи, энергетика, кимё, геология саноати ходимлари касаба уюшма раислари кенгашига қарашли корхоналарда ўтган йил ҳисобида маошларни 2-3 ой кечиктириб бериш ҳолатлари кузатилди. Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатида иш ҳақидан қарздорлик «Навоийазот», Навоий ДИЭСда, Навоий «Электрохимия» заводида, НавоийЭТда, Навоий электроремонт заводида, «Навоийнефтмаҳсулотлари»да салмоқли суммани ташкил этди, корхоналарнинг ишловчилардан қарздорлиги кўпроқ феврал-март ойлари ҳисобига юзага келган.

Шу йилнинг апрелида вилоят касаба уюшмалари кенгашининг кенгайтирилган раёсат йиғилишида вилоят ёнилғи, энергетика, кимё, геология саноати касаба уюшма раислари кенгашига қарашли корхоналар касаба уюшма қўмиталарида иш ҳақидан қарздорликка ўз вақтида барҳам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмагани, тегишли маъмурий органлар эътибори қаратилмагани алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Республика Президентининг Фармонига асосан иш ҳақлари, пенсия, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорининг оширилиши билан бир қаторда ойлик маошларини ўз вақтида берилишини таъминламаган иш берувчилар моддий жавобгарлигининг оширилиши айни муддао бўлди.

Йўлдош ШОДМОНОВ,
Навоий вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.
Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

— Ҳаёт остонадан бошланади, — дердилар онам. — Остонангни покиза тут! Ёшлигимда бу сўзлар мағзини дурустроқ чақиб кўрмагандиму, лекин йиллар ўтиб, ҳаётни кузатиб, онам таъкидлаган сўзлар замирида катта маъно борлигини тушуниб етдим.

Бадиа

ҚУТЛУҒ ОСТОНАНГИЗ ЯРҚИРАБ ТУРСИН

«Коинот — сенинг остонангдан бошланади, — деб таълим берганди ҳинд халқининг буюк фарзанди Махатма Ганди. — Агар у шу ердаёқ тугаса — ёмон».

Касбим тақозоси билан, ўнлаб оилаларда бўлиб тураман. Ўтган йили донгдор бир аёл ҳақида мақола ёзиш учун сафарда бўлдим. Аёлнинг исми-шарфини шартли равишда Дилфуза Камолова, деб атайлик. Ўша куни кечгача идорасида унинг ишларини кузатдим. Гапга чечан, иш юритишни ҳам ўрнига қўяркан. У кўз ўнгимда ҳузурига келиб-кетганларга қанча топшириқлар бериб, йўл-йўриқлар кўрсатди. Телефон орқали қанча ишларни битириб ташлади. Давримиз қандай истеъдодли аёлларни тарбиялаб етиштирди-я, деб хурсанд бўлиб ўтирдим.

Менга бу аёлнинг кийинишиям, соч турмаклашиям, ён-веридагилар билан муомаласиям маъқул келди. Секин қўшни хоналарга чиқиб, у билан бирга ишлаб келаётган баъзи ходимлар билан ҳам суҳбатлашиб олдим. Яхши фикр билдиришди. Зап очерк ёзадиган бўлдим-да, деб бошим осмонга етди. Лекин ... негадир кўнглимнинг бир чеккаси ғаш эди. Шу куни бу аёл билан суҳбатлашиб бўлгач, бошқа туманга ўтиб кетиш режам бор эди. Лекин кетолмадим. Менга нимадир етишмаётгандек эди.

Дилфуза Камоловани уйида бекалигини ҳам бир кўргим келди. Оиласида, болалари даврасида уни атлас куйлакда зеболаниб, уй ишларини адо этиб юрган қиёфада тасаввур эта бошладим.

Хуллас, қош қорайганда унинг уйига келдик. Тўрт хонали квартирада туришаркан. Бир ўғил, бир қизи бор экан. Бири талаба, иккинчиси мактабда ўқиркан. Бўйлари етук, суқсурдай йигит билан қош-кўзлари попукдек қизни кўриб, хурсанд бўлдим. Дадалари ҳали ишдан қайтмаган. Йигит ҳам, қиз ҳам мен билан саломлашгач, яна тўппа-тўғри ўз хоналарига кириб кетишганича қайтиб чиқишмади.

Ғалати манзара. Ахир она ишдан чарчаб келдию! Бунинг устига ёнида меҳмони бор. Она дам олиб, меҳмон билан андек ўтирса, ёшлар ақалли бирор соат уларга хизмат қилса — қандай чиройли бўларди-я!

Меҳмонхонага киганимизда менга ҳаво етишмаётгандек туюлди. Чанг ва нафталин ҳиди уйга уннаб қолган. Девордаги гиламлар анчадан бери тозаланмагани учун хиралашиб қолган. Стол устидаги бахмал дастурхоннинг эса рангини билиш қийин эди...

Дилфуза Камолованинг таомга уннаётганини сезиб, секин ошхонага бош суқдим. «Овора бўлманг, жон опа, чой-пой ичиб қўяқолайлик, чарчагансиз», дедим.

— Йўғ-е, ҳозир бирпастда бўлади. Болалар ҳам очдир, — деди у.

— Улар қарашишмайдими сизга?

— Хай, энди улар дарс қила қолишсин! — деди пинагини бузмай.

— Бўлмаса сабзини менга беринг! — дедим, қўлидан ишини олиб.

Сабзи артиб тўғралгунча чой қайнади. Аёл чой дамлаб, қўярда-қўймай мени ичкарига бошлади. Чой қуйиб узатиб, яна ошхонага чиқди.

Мен истамаган ҳолда яна атрофни кузатиб, ўзимни нохуш сезаман. Чойнак-пиёлаларга ҳам қараб бўлмайди-я! «Балки вақти йўқдир иши кўп ахир унинг» деб ўзимни овутаман. Лекин бўйга етган қизи ва ўғли-чи?! Дарвоқе, улар ҳам балки онаси каби фақат ўқимишли ва «ўз касбининг устаси» бўлиб етишиш учунгина «ётволиб» ўқишаётгандир...»

Орадан икки соат вақт ўтгач ош тайёр бўлди. Палов! Эссиз, анчагина гўшт солиб, ёғни аямай пиширилган бир лаган паловда маза-матра йўқ эди. Ёғ яхши қизитилмаган, пиёз куйиб кетган, гурунч тирик...

Тошкентга қайтгач, ярим тунда ёзув столи узра мук тушиб, қаламимни ўйнаб ўтирибман. Юрагим эзилиб, ўртаниб кетаяпман. Қани энди Дилфуза Камолованинг яхши мутахассис, билимдон раҳбар эканлиги ҳақида ёзолсам...

Ҳа, оила — қутлуғ остона. Шу остонага қадам босиб кирган ҳар бир аёл шу уйни чироқ бўлиб ёритсин. Нур бўлиб, мунаввварлик бахш этсин. Гул бўлиб чирой берсин. Она бўлиб, фарзандларини тарбиялаасин.

Хўш, нега ўша Дилфуза Камолованинг ўғли ёки қизи чиқиб, онасига ёрдам бермади? Нега она ишдан чарчаб келганида бир пиёла чой дамлаб кутиб олмадилар. Бундай фарзанддан келажакда нима кутиш мумкин? Бу аёл ўз остонасинигина эмас, ўғил-қизи учун насиб этажак остонани ҳам унутиб қўйган..

...Ўшанда оила бошлиғи, яъни Дилфузанинг умр йўлдоши кеч хуфтонда ишдан қайтди. У ҳам мен билан сўрашгач, ўз хонасига ўтиб кетди.

— Эрингизга қаранг, овқатларини беринг! — дедим Дилфузага.

— Ҳа-а, у кишим тўқ келадилар, кўчадан, — бепарволик билан жавоб берди у.

Тушунарли. Бечора эркак уйидан ҳаловат топмагач, кўчадан меҳр излайди-да.

— Аёл киши... ким бўлмасин, бировнинг қўлига қараб ўтирмасин, — деган эди атоқли санъаткор Сора Эшонтўраева. — Таом тайёрлашнинг қулай, осон усулларидан фойдалансин. Масалан, мен бўш вақтимда қийма қилиб, тоза идишда совутгичга қўйиб қўяман. Шошиб турганимда бир неча минут ичида котлет пиширишим мумкин. Ёки...

Раҳматли Сора опанинг фазилатлари кўп эди. Қордек тоза дастурхон, ярқираб турган оддий идишлар, дид билан тайёрланган салат ва таом. Озгина вақт, озгина масаллиқ билан дастурхон обод.

Тўғри, аёл ҳам дам олиши, кино-театрга бориши керак. Лекин ҳар қандай аёл бир кунда ақалли бир марта мазали таом тайёрлашга вақт топсин.

Қутлуғ остонангиз ярқираб турса, обод бўлса шу остонадан ўтиб, кенг майдонда халққа хизмат қилмоқ энг катта бахтдир!

Санъат МАҲМУДОВА.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

Меҳнат тагидир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.
Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

Жаҳоннинг шодлиги боиси деҳқон,
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.
Носир ХИСРАВ.

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,
Садафда қамалиб, қатра дур бўлур.
Умар ҲАЙЁМ.

Орзу, тилак йўли меҳнат тагида,
Хазинанинг мўли меҳнат тагида.
Абу Шукур БАЛХИЙ.

Осонликча келмас шодлик, фароғат,
Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шуҳрат.
Фахриддин ЖУРЖОНИЙ.

Ҳаётда қайралиб, эзилган киши
Устодликка лойиқ: билим ҳар иши.
Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Суратда: мусобақанинг белбоғли кураш беллашувидан лавҳа.
Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Фарғона вилоятида мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари қизғин давом этмоқда. Ёш спортчилар Фарғона шаҳрида шахмат, миллий ва белбоғли кураш, қизлар ўртасида баскетбол, Марғилонда волейбол, Тошлоқ ва Фарғона вилоятларида футбол, Қиргулида баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, стол тенниси бўйича беллашувларда ғолиблик учун баҳс олиб бораяптилар.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» республика танлови бошланди. Бу мазкур фаннинг мамлакатнинг барча ўқув муассасаларида жорий академик йилда ўқитила бошланганидан кейин эълон қилинган иккинчи танловдир. Унинг натижалари Ўқитувчи ва мураббийлар куни - умумхалқ байрами арафасида, энг яхши ўқитувчилар номлари аниқланганда маълум бўлади.

Танловнинг асосий мақсади ушбу фанни ўқитишда илғор услубларни аниқлаш ва тарқатиш, замонавий таълим технологияларини ҳаётга кенг татбиқ этишни рағбатлантиришдир. Буларнинг хаммаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган ва миллий мустақиллик ғоясини чуқур тушунган маънавияти бой шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

ЎзА мухбирига Республика «Маънавият ва маърифат» марказидан хабар қилишларича, танлов доирасида самарали таълим технологияларини ва мазкур фанни ўқитиш услубларини ўрганишга қаратилган очиқ дарслар, илмий-услубий семинарлар, конференциялар ўтказилмоқда.

КАТТА САВОБ

Мамлакатимиздаги академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ҳар томонлама қулайликлар яратиб берилмоқда. Республикамиз пойтахтида болалар таомлари комбинатининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Янги турдаги бу билим даргоҳлари ўқувчиларини сифатли овқатлантириш мақсадида амалга оширилган бу хайрли иш ҳомийлари ҳам кўпайиб қолди.

Ушбу комбинатнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди. «Хонзе Машинен» немис компанияси томонидан ажратилган ошхона жиҳозлари ва буюмларидан иборат катта совға элчихона орқали пойтахтимизга юборилди.

«Курт Румпрехт» немис компанияси эса боллар велосипедлари ҳамда компьютер қурилмалари мажмуасини ҳадя этди. Бу каби ҳайрия тадбирлари «Соғлом авлод учун» республика дастури доирасида амалга оширилди.

ЭКРАНДА «КУКУШ ОТА»

«Ёшлар дунёни ўзгартиради» деб номланган ижодий устахона студияси ўз фаолиятини кенг кўламда ташкил этмоқда. Умумжаҳон болалар жамғармаси, «Очиқ жамият — Ўзбекистон кўмак» жамғармаси саъй-ҳаракати билан очилган бу ижодий марказ ҳужжатли фильмлар яратиш устида ҳам изланишларни амалга оширмоқда.

«Кукуш ота» деган фильм студиянинг дастлабки ижод намунаси сифатида юзага келди. «Мен сени севаман», «Ўсмир» каби навбатдаги қизиқарли экран асарлари ҳам томошабинларга тақдим этилди. Уларда болалар руҳий олами ва ҳаётий муаммолари ўз экран талқинини топди.

Студия янги фотоальбомни тайёрлашга киришди. Унга киритилган суратлар ранг-баранг бўлиб, болалар турмуш тарзини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

ГУЛЛАР ВА ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида Халқ таълими вазирлиги, «Биоэкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларнинг гуллар ва қушлар байрами ташкил этилди. Унда республикамизнинг барча вилоят халқ таълими бошқармаларига қарашли экомарказларда фаолият кўрсатаётган тўгарак аъзоларидан вакиллар қатнашди.

Байрам дастуридан ўрин олган «Гуллар жилоси» кўрик-танлови, айниқса, қизиқарли ўтди. Қушлар ва гуллар кўргазмаси бўйича Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли экомарказ жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

Шоҳмот ҳақида ўйлар

ТУРГАН БИТГАНИ МЎЪЖИЗА

Қадим тарихга эга шоҳмот санъати катта мантиқий кучга эга. У ўзининг сирли, сеҳрли мўъжизаси билан сизни қамраб олади. Доналарни сураётганингизда гўёки рассом, шоир ва бастакордек, олиму созандадек бутун куч-қудратингизни ижод қилишга йўналтирасиз. Зеро, унинг эстетик таъсир кучи реал нарсани тасвирлайди, инсоннинг ижодий-мантиқий жиҳатларини кўрсатиб беради. Худди тасвирий санъатдагидек шоҳмот ўйнида ҳам ғоялар ажиблиги, гўзаллиги мухлисга олам-олам қувонч бахш этади. Дарвоқе, шоҳмот таҳлили ҳам ўзи мустақил равишда санъат саналади. Таҳлил-мушоҳадалар ёлғизликда ижод қилинади, у вақт билан чекланмайди, уни бўлғуси натижалар қизиқтирмайди. Шуниси эътиборга моликки, айни шу мушоҳада билан топилган янги йўналиш кейинчалик ўйин пайтида шиддатли ўйинни келтириб чиқаради. Томошабин ёки ҳакамларни, ихлосмандларни беихтиёр ҳаяжонга солиб олқишлашга мажбур этади.

Шоҳмотнинг гўзаллиги унинг жозибадор, эътиборни ўзига жалб этувчи кучидадир. Зеро, жаҳонга машҳур икки буюк шоҳмотчи партияларини кузатсак ёки таҳлил қилсак, уларнинг ижод маҳсуллари — мўъжизавий юришларини кўриб, бу санъатнинг куч-қудратига тан берамиз, тасаннолар айтамиз. Машҳур чех гроссмейстери ва назоратчиси Р.Рети 1924 йили чоп этилган «Шоҳмот ўйинидаги янги ғоялар» номли китобида шундай ёзган эди: «Бундан юз йил олдин шоҳмот ҳеч шубҳасиз ўйиндан иборат эди, аммо биз энди янгидан туғилган ва ривожланаётган санъатга эгамиз.» Фалсафа ва математика фанлари доктори, 27 йил мобайнида шоҳмот тожини ўзида ушлаб турган жаҳон чемпиони Ласкер эса бундай деганди: «Шоҳмот ўйнида асосий нарса кураш. Яна энг муҳими шундаки, шоҳмот мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулотдир. У тинимсиз фаолият сифатида партияни шакллантиради, ўз ишингга танқидий назардан қараш ва баҳолашда холис бўлишга ўргатади.»

Шоҳмотчи қайсидир жиҳатлари билан шифокорга ўхшаб кетади. У хасталик белгилари ва дори-дармонлар хазинасини билади. Лекин мушкул жиҳати шундаки, бу аломатлар сезилмайди, дорилар ёрдам бермайди. Ҳал қилувчи паллада йўл қўйилган хато кутилмаган оқибатларга олиб келади. Натижада шоҳмотчи яна кўп меҳнат талаб этадиган изланишларга берилади, янги дори-дармонлар излашга тушади, ишонч билан кутади. Лекин яна янглишади — ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келади. Шоҳмотнинг ажойиб хусусиятларидан яна бири шундаки, сен аввало ўз майлинг билан ўйнайсан ва айни чоғда ўзгага, унинг билим ва тажрибасига, қанчалар хушёрлигига, курашга қай даражада шайланганлигига, ниҳоят, омад келиши ёки келмаслигига ипсиз боғлангансан.

Шоҳмот назарияси ва амалиёти ҳозирги кунда минглаб уста ўйинчиларнинг ўзаро рақобати натижасида тобора ривожланиб бормоқда. Машҳур олим, академик А.Ишлинскийдан «Шоҳмот унинг сирасорларини билиш учун шунчалик куч-ғайрат сарфлашга арзийдими, ўзи?» деб сўрашганларида, у «Арзийди, чунки шоҳмот инсонга у сарфлаганидан кўра кўпроқ нарса беради», деб жавоб берган эди. Машҳур педагог В.Сухомлинский эса «Шоҳмот ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлаги сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор», деб ёзган эди. Шоҳмот бахтли санъат ҳамдир. У гувоҳларнинг хаёли, онгидагина қолиб кетмайди. Усталар ўйнаган энг яхши партиялар умрбод тарихда қолади, мухлислар хотирасида яшайди. Шу ўринда машҳур немис гроссмейстери Зигберт Таррашнинг мулоҳазаларини эслаш ўринли: «Шоҳмот худди севги сингари, мусиқадай кишиларни бахтли қила олади.»

Анвар ИНОҚОВ,
шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.





Ўзингизни синаб кўринг

Иккала диаграммада ҳам юриш оқлардан:
1) икки юришда қоралар мот бўлади.
2) бу кўринишда сўнгги натижа — дуранг

ТУРФА ОЛАМ

* Ирландиянинг Киллерни ороли яқинидаги «Бургут уяси» деб аталадиган қишлоқдан энг кўп такрорланадиган акс-садо чиқади. Қишлоқда карнай чалинса, унинг акс-садоси 100 мартадан ҳам кўп қайталанади.

* Қуёш тизимига кирадиган сайёралар йўлдошлари ичида энг каттаси Сатурннинг Титан деб аталмиш йўлдоши бўлиб, унинг диаметри 5500 километрни ташкил этади.

* АҚШнинг Иллинойс штатида ҳавонинг ифлосланишига қарши фавқулодда чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, шаҳар кўчаларига, корхона ва муассасларига ўзига хос светофор ўрнатилган.

* Шаҳар аҳолиси шу светофорнинг қандай рангда ёнишига қараб ҳавонинг тоза ёки ифлосланганлигини билиб олади. Масалан, кўк чироқ ҳавонинг тоза эканлигини билдиради. Ҳаво бироз ифлосланганлигида эса сариқ чироқ ёнади. Мабодо қизил чироқ ёнгудек бўлса, шаҳардаги саноат корхоналари, мактаб, дўкон ва транспорт ўз ишини тўхтатади.

* Чикаго шаҳрида намгарчилик вақтлари ҳаво таркибидаги заҳарли моддаларнинг эриши таъсирида, ҳатто нейлон пайпоқлар ҳам йиртилиб кетади.

* Битта автомобил минг километр масофани босиб ўтганда бир одамнинг йил давомида сарф этадиган миқдордаги кислородни йўқотади.

* Ҳайвонлар ичида энг уйқучани сичқон ва қуёндир. Улар бир кеча-кундузда 20 марта ухлайди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 332. 1 2 3 4 5 6